

Чеченистонда Ўрта аср қалъаси тикланди



10:00 / 21.08.2021 2061

Чеченистон Республикасининг Шарой туманидаги масжид, 26 турар-жой ва 7 ҳарбий минорадан иборат ўрта аср қалъасини тиклаш ишлари якунланди. Тарихчиларнинг фикрича, мустаҳкам қадимий турар жойнинг ёши камида 1500 йил. Қалъани нафақат меъморлар, балки архив ҳужжатларини синчковлик билан ўрганган ва қурувчиларга минора мажмуасининг асл қиёфасини тиклашда маҳаллий тарихчилар ҳам ёрдам берган. Қайта тиклаш жарёнида, таркиби 1500 йил олдин ишлатилган материалларга ўхшаш жиҳозлар ишлатилган. Қалъали шаҳарнинг нафақат ташқи қиёфаси, балки биноларнинг ички қисми ҳам тикланди.

Очилиш маросимида Чеченистон Республика раҳбари Рамзан Қодиров иштирок этди. У vesti.ru мухбирларига берган интервьюсида ўқувчиларга ўз она юртининг тарихини ўрганишга, шунингдек сайёҳларни жалб қилишга ёрдам берадиган бошқа маданий ва тарихий объектларни тиклаш

режалари ҳақида гапириб берди.